

(Маскавдан хат)

Бугунги Маскав ингичка санъати юксаклиги жихатидан гарб пойтахтларининг хаммасидан олдинда туради. Унинг «Санъат театри» (Художественный театр) хозиргача на янги ва на эски дунёдан ўз жуфтини топа олгони йўк. Ингичка санъатнинг юксалишини мақсад қилиб олиб шу йўлда инкилобдан бурун ҳам холис ва фидокорона қолишкон у табарруқ муассаса бугун ўзига қарашли бир нечта шўъбалари билан бирга юксалишда давом қиладир. «Санъат театри» кўб тўғриларда фақат Россиядаги театрларгагина эмас, гарбдаги ингичка санъат муассасаларига ҳам анча таъсир қилгондир. У ингичка санъатда туткан йўли эътибори билан ҳали хозирга (қадар — Д. К.) ёлғуз саналиб келган эски муассасалардандир. Ана ўша театрнинг актёрларидан бир қучли санъаткор — Всеволод Мейерхўлд деган киши инкилобдан сўнг янги бир театр таъсис қилди. Ўзининг исми билан «Мейерхўлд театри» деб юргизилган бу янги муассаса ҳам санъатда туткан йўли эътибори билан яна жуфтсиз ва ёлғуз саналиб қиладир. Бу—чинакам инкилоб театри, унинг ҳар нарсаси дегундек янги. Шу билан бирга у янгиликлар ҳам муқаррар ўрнашмагон — «вақтли» иарсалар. Шу учун бу муассасани уқтиргон вақтда «исташ театри», деб қўядирлар, бу тўғри уқдириш: ҳақиқатан «Мейерхўлд театри» ҳар қунга, талабга қараб янги йўл актарадир. Маскав хозир ингичка санъатда янги-янги йўллар актарғучи театрлар билан тўлғудир. У йиллар ва жараёнлар тўғрисида кейинча тўлароқ бир нарса ёзишқа ваъда бериб мақсадга ўтайлик.

Бугунги Маскавнинг санъат жараёнларини текширмак ва ўрганмак учун дуёнинг ҳар томонидан жуда кўб санъаткорлар қиладирлар. Гарбдан ва Мухит денгизининг нариги қирғогидан келганлар тўғрисида бир нарса ёзиш эмас бир нарса ўйлаш ҳам қийин: улар шу қадар кўб... Қизил чегара ичидаги турлук-туман миллий шўро жумҳуриятларидан келганларнинг, албатта ҳадди-ҳисоби йўк. Бизнинг Ўзбекистон маориф камисарлиги ҳам бу ерда алоҳида бир «санъат-драма студияси» очиб 20 қадар йигит ва қизчаларимизни қелғуси саҳнамизга тайёрлаб ётадир. Мундан бошқа қинў курсида ва мусиқи мактабларида ўқугучи йигитларимиз бор. Ўзимизнинг истудиямиз ва умуман бугунги санъат билимларини ўрганишимиз тўғрисида алоҳида гаплашишга тўғри қиладир, муни қелғуси сафарларга қолдирайлик. Маскавнинг бугунги ингичка санъати билан танишмак ва ундаги турлук-туман янги жараёнларни ўрганмак учун узок-яқиндан қелганлар орасида Туркиядан ҳам икки санъаткори бор: бири—қинў ва театр режиссёр (муалим) ларидан Эртўғрул Мухсинбек, яна бири — қинў ва театр актриса (хотин тамсилчи)ларидан Найира Найир хонимдир. «Маориф ва ўқитғувчи» мажмуасининг ёзғучиларидан бири сифати билан уларни зиёрат қилдим, улар билан қилган мусохабамнинг натижасини қисқагина арз қиламен.

Эртўғрул Мухсинбек 1892 нчи йилда Истанбулда туғилгон, Туркиянинг ўзида ўрта даражада таҳсил қўргандан кейин Парижга кетиб, у ерда Франциянинг ва ҳатто дунёнинг улуг театр олимларидан бўлгон машҳур режиссёр Антуан қўл остида 3 йил ишлаган. Ундан кейин ўша домласи Антуан билан бирга Истанбулга қелиб «Дорилсадойеъ (олий санъат мактаби) ни ташкил қилгон. Бу «Дорилбадойеъ» деган муассаса Туркия пойтахтининг театр-санъат ҳаётида кўб муҳим ўрун олгон муассасадар.

Туркларнинг ўзларидан (айникса хотин-кизлардан) чинакам санъаткорлар кўпая бошлагон давр шу «Дорилбадойеъ» давридир. Туркияда сўнг 10 йил орасида босилган театр китобларидан кўпини кўрсангиз, биринчи ё иккинчи бетига «бу асар Усмонли дорилбадойеъ санъаткорлари томонидан биринчи мартаба тамсил килингондир», деган жумла ёзилгон бўладир.

Мухсинбек Истанбулда шу йўл билан 3 йил ишлаганидан кейин яна Оврупога кетадир. Бу сафар Германиянинг энг машхур санъат уйларида «Лессинг» кинў театрида 5 йил режиссёрлик (муаллимлик) киладир. Мундан бир-бир ярим йил бурун Ўзбекистоннинг кўб шаҳарларида кўюлуб ўтган машхур «Милйўнчи хотин» картинаси ўша муассасанинг хосили бўлуб, Мухсинбекнинг режиссёрлиги билан ўйналгондир. Ундан бошқа Мухсинбекнинг режиссёрлиги билан чиккан герман картиналаридан яна биттаси у «Кора лола» дегани — бизнинг шўра жумхуриятларида кўюлуб ўтган. Унинг режиссурлиги билан Гирманияда тайёрланган картиналарининг хаммаси 15—16 га етадир. Гирманиядан сўнг Мухсинбек Асвач мамлакатига борадир ва у ерда бироз қолиб кинўчиликни текширадир.

Ундан кейин Мухсинбекнинг энг кўб ишлаган ери яна Туркия — Истанбулдир. Бу сафар Истанбулда тўрт йил қолиб Туркия кинўчилигига пойдевор курадир. Истанбулда хаммаси бўлуб 10 тача турк картиналари хозирлагон. У картиналардан бири машхур турк адибаси Холида Адиб хонимнинг «Оташдан гумлак» (Оловдан кўйлак) деган хикоясидир. Уда Холида Адиб . Туркиянинг сўнгги истиклол курашлари даврини тасвир киладир. Асарнинг бош қахрамонларидан бири бўлгон Эхсонбек — Мустафо Камолнинг кинояли нусхасидир: ана ўша Эхсонбек рўлини Мухсинбек ўйнайдир. У 10 картинанинг яна бири машхур турк насрчиси Яъқуб Кадрибекнинг «Нурбобо» деган асаридир. Мухсинбек театр-сахна учун ёзгон ва ўзгартирган бир неча асар бор. Бизнинг Бухоро хаётидан олиниб ёзилгон бир асари хозир Истанбулда босилиб ётар экан.

Мухсинбек кўл остида ишлаган турк сахнаси бизнинг ўрус адиблари (кўпрок классиклари) томонидан ёзилгон шох асарларни ҳам кўб кўрган. Шу учун бўлса керак, Истанбулнинг санъатга «ўюн ва кўнгил очиш» дсб қарайтургон табакалари (обивател халк) унинг теғрасига яқинлашмагон. Унинг сахнаси чинакам санъат деганлар ва ингичкаликни севганларнинг жойи бўлуб қолгон.

Мухсинбек шўролар иттифокининг чинакам маориф ва санъат бошлиги — рахбари ўрток Луначарский томонидан Маскавга чакиртирилгон. Бу ерда ингичка санъатнинг холини ва унга берилган фавкулудда ахамиятни кўрганидан кейин ҳам йшламак ва ҳам ўрганмак максади билан Маскавда қолди. Хозир бир томондан «Давлат кинў» нинг картина фабрикасида режиссёрлик қилмокда иккинчи томондан, бу ердаги инқилоб йўлидаги театрларни текширмакдадир. Шу кунда, ўзининг гапига қарагонда, хозирги ўрус ёзгучиларидан Третьякуфнинг «5 минут» деган (Амриқолилар турмушидан олиниб ёзилгон) асарига кинўда режиссёрлик қилмокдалар. Мундан бошқа ўрток Луначарскийнинг бир асари ва Франция адибларидан Александр Душеннинг «Тамилла» деган асари устида ҳам ишлаб турадир.

Мухсинбек Маскавга қелишидан жуда хурсанд бўлгон, «санъат Германияда ўлган,

Франсияда харакатсиз, бугунги Русияники эса ер юзида биринчи бўлуб турадир» дейдир. Бу фикрини бу ердаги «Ўзбек драм истудияси» талаблари билан килгон мусобахасида ҳам айтиб ўтди. Унга энг ёккан театр — Мейерхўлд театридир, у театр тўғрисида жуда кизикиб гапирадир, уни «инкилоб ва истиклол театри, эртанинг санъати», дейдир. Бизнинг драм истудия талабаларимизни ҳам тамоман ўша театрга бориб ишлашга даъват килди. Шўролар мамлакатадаги кинўчилик ишларига ҳам катта умидлар билан карайдир ва «Яхши, — астойдил ишланса 2—3 йил орасида кинўчиликда ҳам шўролар мамлакати биринчи бўлуб кетадир», дейдир.

Бахор вақтларида бизнинг Самаркандимизни ҳам зиёрат килмок ният бор. Биз ҳам Ўзбекистон исмидан даъват килгон бўлдик...

Ўзининг асл исми Мунира Айюб бўлгон санъаткор турк кизи сахнада Найира Найир номи билан танилгандир. Истанбулда «Дорилмуаллимот» ни битирганидан кейин икки йил кадар яна ўша Истанбулдаги «Амрика кўллежи»да ўкугон.

1922 нчи йилда биринчи маротаба «Истанбулда кинў сахнасига чикиб, Холида адибнинг «Оташдан гумлак» деган асарида биринчи рўллардан онатўли киз Казбоннинг рўлини ўйнайдир (кинўда). Ундан кейин франсузчадан ўзгартирилган «Киз куласи» деган асарда турк кизи Зайнаб рўлини ўйнайдир (яна кинўда). Ундан сўнг 1923 нчи йилда биринчи маротаба театр сахнасига чикиб улуг Шекспирнинг «Отеллў»сида Амелия рўлини ўйнайдир. Асл турк хотинларидан биринчи маротаба саҳиага чиккон ҳам шу Мунира хонимдир. Ундан бурун турк сахнасидаги хотин-киз рўлларини арман, рум ва «кибти» кизлари ўйнаб келганлар.

Якинда Мухсинбекнинг даъвати билан Маскавга келиб бу ердаги театр жараёнларини ўрганиш ишига киришди. Хозир машхур ўрус санъаткорларидан Вахтангўф номига очилгон санъат мактабида ва ҳам Мейерхўлд театрида ишлаб турадир.

Бизнинг ўзбек хотин-кизлари билан танишмак ва уларнинг ҳаётларини кўруб-билмак орзуси олдинги сафда тургон бу шарк кизида албатта бор. Локин мунинг калбидаги орзуларни бизнинг хотин-кизларимиз ҳам саклагон бўлсалар эди...

Кани энди!

---

Маскавда икки турк санъаткори — «Маориф ва ўқитгувчи» журналининг 1926 йил 2-сонида босилган.

«Санъат театри» («Художественный театр») — 1898 йилда К. С.Станиславский ва В. И. Немировичданченко томонидан Москва Бадиий театри ташкил килинган. Хозирги МХАТ.

Всеволод Меерхольд — Меерхольд В. Э. (1874—1940), рус режиссёри, актёр ва театр арбоби.

«Меерхольд театри» — Москвада ишлаган рус театри (1920—1938), Меерхольд бошчилик килган бу театр 1920—1921 йилларда 1-РСФСР театри, 1920 йилда Актёр театри, шу йилнинг охиридан ГИТИС театри, 1923 йилдан Меерхольд номли театр деб аталган.

«Истах театри» — экспериментальний театр. Меерхольд ва унинг театри янги шакллар ва йўллар излаши билан машхур бўлган.

«Санъат драма студияси» — ўзбек театрини кадрлар билан таъминлаш мақсадида 1924 йилда Москвадаги Маориф уйи қошида Ўзбек давлат драма студияси очилиб, Ўзбекистондан бир қатор ёшлар ўқишга юборилган. Бу студия 1931 йилга қадар ишлаган.

Антуан — Андре Антуан (1858—1943) француз режиссёри, актёри, театри назариётчиси. Театр санъати ривожига қатта таъсир ўтказган ижодкор.

«Дорилбадое» — 1914 йилда Истамбул волийлиги томонидан ташкил қилинган консерватория. Унинг қошида театр студия мактаби ҳам очилган. Бу ердан Афифа, Баҳира, Бейза, Рефика каби қатор актрисалар етишиб чиққан.

Асвеч (Исвеч) — фикримизча, бу ўринда Швейцария назарда тутилмоқда. Чўлпоннинг «Дўхтур Муҳаммадиёр» ҳикоясида бу мамлакат номи «Исвейчара» шаклида берилган эди.

Холида Адиб хоним — Холида Адиб Адивар (1883—1964), усмонли турк адибаси, қатор романлар, пьесалар, ҳикоялар, адабиётшуносликка оид ишлар муаллифи. Мақолада тилга олинган «Оловли кўйлак» романи 1922 йилда ёзилган.

Мустафо Камол Отатурк (1881—1938)—Туркиядаги миллий озодлик курашининг раҳнамоси (1918—1923), Туркия республикасининг биринчи президенти (1923—1938).

Яъқуб Қадрибек — Яқуб Қадри Қора усмон ўғли (1889—1975) турк ёзувчиси ва сиёсий арбоби, қатор романлар, ҳикоялар, насрий шеърлар, танқидий мақолалар муаллифи,

Луначарски — Луначарский А. В. (1875—1933); 1917 йилдан то 1929 йилгача Маорил Халк комиссари вазифасини бажарган. Чўлпоннинг у ҳақида «Шўролар Иттифоқининг чинакам маориф ва санъат бошлиғи» дегани шунинг учунки, санъат ишлари у вақтда шу комиссарлик ихтиёрида эди.

Третьяков — Третьяков С. М: (1892—1939) рус ёзувчиси: Ташвикий характердаги шеърлар, қатор очерклар, пьесалар муаллифи. ЛЕФ назариётчиларидан бири.

«Франсузчадан ўзгартилган «Қиз қулasi» деган асар ...» — бу ўринда қайси асар иазарда тутилганини аниқлаб бўлмади.

Шекспир — Уильям Шекспир (1564—1616), инглиз драматурги ва шоири. Ўзбек саҳнасида унинг дурдона асарлари «Отелло», «Гамлет», «Ромео ва Жульетта»,

«Макбет», «Кирол Лир» каби катор асарлари сахналаштирилган.